2018 йил 3 июль, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (13.720)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 184 300 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 360 460 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 360 460 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 221 190 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-5245-сон Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2018 йилнинг 15 июлидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 2 июль*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПУЧОН УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Умумэътироф этилган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш, мамлакатнинг мактабгача таълим муассасаларида кўп йиллар давомида етишмай келаётган педагог ва тарбиячилар ўрнини тўлдириш, инновацион муҳитни шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Пучон университетининг (Корея Республикаси) **Тошкент шаҳрида Пучон университетини** (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Пучон университети (Корея Республикаси):

ўқув бинолари, ўқув-лаборатория базаси, талабалар турар жойлари ва Университетнинг бошқа иншоотларини мебель, инвентарь, ўқув ва илмий жиҳозлар, ташкилий техника ва компьютерлар билан жиҳозлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлайди;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантиришга ва уни замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга (шу жумладан, Пучон университетининг (Корея Республикаси) ресурслар базасидан фойдаланиш имкониятини яратган ҳолда), замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилишига кўмаклашади;

ёш истиқболли маҳаллий илмий-педагог кадрларнинг, шу жумладан, чет элда малака оширишига кўмаклашади.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимига, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларига замонавий таълим технологиялари асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

мавжуд муаммолар ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

республикада мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимини, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга кўмаклашиш.

*(Давоми 4-бетда)*

**"Обод маҳалла" дастури – амалда!**

# ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

## ШУ МАҚСАДГА ЭРИША ОЛАЯПМИЗМИ?

**Ўзбекистонда амалга оширилаётган халқчилислоҳотлар яхши самара бермоқда. Ўтган икки йил давомида халқимизни кўп йиллардан буён ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган муаммоларга ечим топилиб, ҳар бир оиланинг фаровон турмуш кечириши учун бор имкониятлар ишга солинмоқда.**







*Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган бу каби эзгу ислоҳотлардан асл мақсад аён: одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш.*

*Бу борадаги ишларни санаб адоғига етиш мушкул. Улардан бири "Обод қишлоқ" дастури асосида мамлакатимиз миқёсида кенг кўламда амалга оширилаётган ободонлик ҳаракатидир. Дастлаб Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғини обод қилган, одамлар кўнглини кўтариб, фаровон ҳаётда яшаш завқини кўр олдирган мазкур дастур бугун энг чекка қишлоқларимизни ҳам қамраб олган. Қувонарлиси, одамларимизнинг ўзи бу каби хайрли ва ободлик ишларига катта ҳавас билан ёндашиб, эзгу тадбирларга хайрихоҳ, елкадош бўлмоқда.*

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва қўллаб-қувватлови билан "Обод маҳалла" дастури ҳам ҳаётга татбиқ этилди. Бу дастур асосида маҳаллалар мутлақо янги қиёфа касб этиб, аҳоли турмушини янада яхшилаш, жумладан, фарзандларни тўкис вояга етказиш, саломатликни мустаҳкамлаш, бандликни таъминлаш, хонадонларни обод қилиш, турли ижтимоий, маиший хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш, бир сўз билан айтганда, яхши ва мақсадли яшаш учун барча шароитни яратиш ишлари амалга оширилмоқда.*

*Ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари асосида амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижросида баъзан сусткашлик, эътиборсизлик ва сансалорлик манзараси ҳам кўзга ташланиб қолмоқда.*

*Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Тошкент шаҳар Олмазор туманида бўлганида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, оилаларни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамлар, оилавий тадбирлар ва маъракаларни исрофгарчиликсиз, ихчам қилиб ўтказиш каби бир қатор муҳим масалалар бўйича туман мутасадди раҳбарларига, маҳалла раисларига тавсиялар берди.*

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари Олмазор туманидаги маҳалла раислари билан бу ердаги мавжуд муаммолар, ечимини кутаётган масалалар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.*

*(Давоми 2- ва 3-бетларда)*

# ЎЗБЕКИСТОН КАРЛАР ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмазор туманига ташрифи чоғида Ўзбекистон карлар жамиятининг Кар-соқовлар маданият марказида бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар билан танишган ҳамда маданият марказига иккита автобус, Карлар жамиятининг уч нафар аъзосига Тошкент шаҳридан уй совға қилган эди. 1 июль куни Ўзбекистон карлар жамиятида ушбу совғалар тантанали равишда топширилди.***

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маданият ва санъат намояндалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон карлар жамияти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.Отажонов, А.Абдуҳакимов, Олмазор тумани ҳокими Б.Раҳмонов мамлакатимизда ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва жорий йил 11 июндаги "Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, тиббий хизматларни олишида янги имтиёзлар белгиланди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон карлар жамияти Кар-соқовлар маданият марказининг 450 ўринли биноси тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозланди. 6 гектардан иборат ҳудуд дам олиш сайлгоҳига айлантирилди. Жамият аъзолари истиқомат қиладиган тўрт қаватли ётоқхона таъмирланиб, оилаларга газ плита ва бошқа маиший техника жиҳозлари топширилди. Ҳудудда 600 ўринли тикувчилик корхонаси барпо этилиб, бугунги кунда 100 дан ортиқ хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Президентимиз жамият аъзолари билан суҳбатда уларнинг яшаш шароити, дам олиши, саломатлиги, фарзандларининг таълим олиши билан қизиқиб, бу масалалар давлатимиз назоратида экани, яқин муддатда кар-соқов болаларнинг саводхонлиги, тарбияси, ишлаши ва даволаниш шароитларини яхшилашга қаратилган алоҳида қарор тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

Шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов, таэквондо бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидиров ва рақс тўгараги раҳбари, халқаро танловлар ғолиби Олег Ошепковга уй, Кар-соқовлар маданият маркази аъзоларининг ижодий сафарларига қулайлик яратиш мақсадида иккита автобус совға қилинишини айтди.

Тадбирда ушбу совғалар ўз эгаларига топширилди. Тошкент шаҳар кар-соқовлар маданият маркази ва Ўзбекистон кар-соқовлар спорт федерацияларига автобуслар совға қилинди.

– Президентимизнинг Ўзбекистондаги ҳар бир одам мен учун қадрли деган сўзлари нафақат мени, балки ҳар бир онанинг кўзларига ёш қалқитди. Чунки у кишининг эътибори мана шундай фарзанди бор ота-оналар қалбида ҳам ҳаётга бўлган умид учқунини уйғотди, – дейди таэквондо бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидировнинг онаси Гулнора Хидирова. – Икки ўғил, икки қизим бор. Фарзандларим орасида Давронга кўпроқ меҳр бериб ўстирдик. Ўғлим жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун қилган тинимсиз меҳнатлари туфайли шу даражага эришди. Худо хоҳласа, унинг шогирдлари ҳам мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаб, мамлакатимизнинг обрўсини жаҳонга танитишга ҳисса қўшади.

– Президентимизнинг эътиборидан тўлқинланиб кетдим, – дейди Даврон. – Бу мен каби бошқа ёшларнинг ҳам қийинчиликларни енгиб ўтишида далда беради. Давлатимизнинг менга берган меҳрини албатта оқлайман.

Тантанали байрам дастури, файзли дастурхон атрофидаги суҳбат жамият аъзоларига катта хурсандчилик бағишлади.

**М.ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛАНДИ

2018 йил 2 июль куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда 2018 йил 1 июлда бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларга асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутатлари этиб сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Газетамизнинг тўртинчи саҳифасида шаҳар ва туман Кенгашларининг бўшаб қолган ўринларига сайланган депутатлар рўйхати эълон қилинмоқда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизматчилари оила аъзолари учун маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – ҳарбий хизматчилар оиласининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, муаммоларини ўрганиш, турмуш шароитини янада яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашишдан иборатдир.**

**• Марғилон шаҳридаги ижодкорлар боғида "Ўзбекистонда ёшлар тарбияси ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлиги: муаммо ва ечимлар" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туманлар ҳокими ўринбосарлари, халқ таълими бўлими раҳбар ва мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси кардиология диспансерида Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети Бундан госпиталининг малакали шифокорлари томонидан туғма юрак нуқсони бор болалар чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Мексикада бўлиб ўтган президент сайловларида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 53 фоиз овоз олган сўл кучлар вакили Лопес Обрадор давлат раҳбари вазифасига сайланди. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига кўра у 2018 йилнинг декабридан бошлаб ўз вазифасини бажаришга киришади.**

**• Мингечевир ГРЭСида рўй берган йирик авариядан сўнг электр қувватидан тўлиқ узилиб қолган мамлакат пойтахти Боку ва Озарбайжоннинг бошқа шаҳарларида энергиянинг узатилиши асосан тикланди. Ушбу мураккаб вазиятда ҳозирча Россия ва Грузиядан электр қувватини экспорт қилиш ишлари давом этмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПУЧОН УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

4. Белгилансинки:

Университет олий таълим муассасаси – юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва мол-мулк билан жавоб беради;

Университет таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда Пучон университетининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширади;

Университетда кадрлар, биринчи навбатда, мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларга, шунингдек, архитектура ва дизайн соҳасида ҳамда талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланади;

Университетда таълим олиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида, кундузги, сиртқи ва кечки шаклларда, тўлов-контракт асосида, шу жумладан, потенциал иш берувчилар – юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган таълим грантлари бўйича, шунингдек, асосан мамлакат минтақалари ёшларининг таълим олиши учун ажратиладиган ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади;

Университетга қабул 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим, корейс тили, шунингдек, архитектура ва дизайн йўналишлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотга эга шахслар ўртасида кириш имтиҳонлари ўтказиш орқали амалга оширилади. Кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли, тартиби ва муддати Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Пучон университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланади;

Университет битирувчиларига қўшимча юридик тартиб-таомилларсиз Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Пучон университетининг (Корея Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Университетни молиялаштириш талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, тегишли шартномалар асосида манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Ташкилий комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Университетни ташкил этиш бўйича фаолиятни оператив бошқариш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш;

Университетни ташкил этиш масалалари бўйича Пучон университети (Корея Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлаш жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни ташкил этиш бўйича тасдиқланган жадвалларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам назорат ва мониторинг олиб бориш.

6. Белгилансинки, Университет фаолиятининг жамоатчилик бошқаруви олий органи – 2-иловага мувофиқ таркибдаги унинг Васийлик кенгаши ҳисобланади.

Қуйидагилар бўйича кўмаклашиш Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим жараёнини, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини тизимли ошириш, Университет битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг янада ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

таълим жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари ва усулларини, педагогик, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштириш, самарали фундаментал (амалий) илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш, ўқув, илмий ва илмий-методик материалларни эълон қилиш, Университетда ўқув ва илмий жараёнларни оқилона интеграциялаш;

Университетнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, Университетнинг ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилаш;

Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мамлакатлардан малакали ва тажрибали педагоглар ҳамда мутахассисларни жалб этиш, педагог кадрларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларнинг малака оширишдан ўтишларини ташкил этиш;

Университет фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун ҳомийлик хайриялари, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

талабаларни, энг аввало, етим болалардан ва ота-она васийлигисиз қолган болалардан иборат талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, иқтидорли талабаларни ўқитиш учун стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва уларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини фойдали ташкил этиш, шунингдек, талабаларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2018/2019 ўқув йилида ва кейинги йилларда Университетга қабул қилиш квоталарини ва ўқиш учун контракт суммасини белгилаш;

махсус стипендиялар бериш орқали Пучон университетига (Корея Республикаси) ва хорижнинг соҳавий бошқа етакчи таълим муассасаларига тажриба орттиришга юбориш учун энг истиқболли талабаларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш;

Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва докторантлари учун халқаро тажриба алмашишни ташкил этиш.

7. Университетнинг Васийлик кенгаши Пучон университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда:

а) бир ой муддатда:

Университет Уставини тасдиқласин, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Университетнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2018/2019 ўқув йили бошлангунига қадар Университетни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган зарур ўқув-методик комплекслар билан таъминласин.

8. Университетга:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб кадрларга бўлган эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларидан келиб чиқиб, Пучон университети (Корея Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда ўқишнинг янги истиқболли йўналишлари ва мутахассисликларини очишга;

Университетга ўқитувчилик қилиш ва илмий иш олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ҳамда транспорт харажатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича, тузиладиган шартномалар асосида ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

9. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 2-берк кўча,38а-уй манзилида жойлашган Чилонзор педагогика коллежининг бино ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилсин, кейинчалик бепул фойдаланиш учун Университетга ўтказилсин.

Чилонзор педагогика коллежининг ўқувчилари ўқишни тамомлагунларига қадар Университетга берилган биноларда ўқишни давом эттиришлари белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида 2018 йил учун назарда тутилган капитал қўйилмаларнинг тежалган ёки ўзлаштирилмаган лимитларини ушбу қарорнинг 9-бандида кўрсатилган бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳамда уларни реконструкция қилишга йўналтириш орқали қайта тақсимланишини;

ушбу қарорнинг 9-бандида кўрсатилган бинолар ва иншоотларнинг 2019 йил ва ундан кейинги йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурининг қурилиш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш объектларига киритилишини таъминласин.

11. 2021 йилнинг 1 июлигача:

Университет – барча турдаги солиқларни тўлашдан ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

Университетнинг жалб этиладиган хорижлик ходимлари – ягона ижтимоий тўловни ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлашдан;

Пучон университети (Корея Республикаси) – Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятидан ҳам доимий муассаса орқали, ҳам тўлов манбаидан олинган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

Университетни жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси ва ташкилий техникалар, ўқитишнинг техник воситалари, адабиёт, мультимедиа маҳсулоти, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Университет буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Университет буюртмаларига биноан Университет хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Университет буюртмаларига биноан малакали хорижий (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган) мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В.Шин ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 2 июль*

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган депутатлар рўйхати

| Округ номи | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи | Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия |
|---|---|---|---|
| 16-Ҳумоюн | Иргашев Шавкатбек Турдиевич | 1964 йил, ЎзЛиДеП, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 23-Мойкўрғон | Артикходжаев Жаҳонгир Абидович | 1975 йил, ЎзЛиДеП, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 24-Мирзо Ғолиб | Раҳмонов Баҳтиёр Султонович | 1959 йил, ЎзХДП, Олмазор тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 34-Авиасозлар | Турдиев Дилмурод Раҳматжонович | 1973 йил, "Адолат" СДП, Яшнобод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 45-Қоратош | Гаибназаров Боҳодир Рыхсиалиевич | 1970 йил, ЎзМТДП, Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутатлигига сайланган депутатлар рўйхати

| Округ номи | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи | Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия |
|---|---|---|---|
| 19-Садаф | Иргашев Шавкатбек Турдиевич | 1964 йил, ЎзЛиДеП, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 1-Шифокорлар | Раҳмонов Баҳтиёр Султонович | 1959 йил, ЎзХДП, Олмазор тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 12-Ўзгариш | Хусанов Нозим Баҳтиёрович | 1976 йил, ЎзЛиДеП, Сергели тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 22-Навқирон | Дадабоев Ҳасанжон Маматкаримович | 1971 йил, ЎзЛиДеП, "Eko Plast Produkt" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 13-Оқмачит | Атамухамедов Шуҳрат Махамадназимович | 1975 йил,"Адолат" СДП, Учтепа тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 9-Сарҳумдон | Гаибназаров Боҳодир Рыхсиалиевич | 1970 йил, ЎзМТДП, Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 18-Парвоз | Ахмадалиева Гулноз Икрамовна | 1966 йил, ЎзМТДП, "Олимпия шон-шуҳрати" музейи директори вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |

# БАХТЛИ БОЛАЛИК КИТОБДАН БОШЛАНАДИ

***Боланикнинг завқли, рангин ва сарҳад билмас хаёлот олами ривожида китобнинг ўрни беқиёс. Фарзандингизнинг китобга бўлган меҳрини қандай ошириш мумкин? Бунда мактаб, кутубхоналарнинг роли қандай? Республика болалар кутубхонасида бўлиб ўтган "XXI асрда болалар китобхонлиги: муаммо ва вазифалар" мавзуидаги конференцияда шу масалалар атрофлича муҳокама этилди.***

Болалар китобхонлигини ривожлантиришга бағишланган мазкур анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги кутубхоналар, мактабдаги ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари таклиф этилди.

Республика болалар кутубхонаси директори Д.Ўролов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёш авлоднинг китобга бўлган меҳри ва қизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини янада юксалтириш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда миллий қонунчиликнинг муттасил такомиллаштирилаётгани матбаа, ноширлик соҳасида янги истиқболларни очиш, болалар нашриётлари учун қулай имтиёз ва иқтисодий имкониятларни яратишда муҳим омил бўлмоқда. Ўғил-қизларнинг ўқишга бўлган иштиёқини тобора кучайтиришда юртимиз кутубхоналарида ташкил этилаётган китобхонлик кечалари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, жонли мулоқотларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

– Ота-она фарзандига китоб ўқиб бермаса, боланинг китобга бўлган меҳрини уйғотиш қийин, – дейди Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 8-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази раҳбари Қумри Шарипова. – Шу сабабли китобхонлик тарғиботига бағишланган тадбирларни шунчаки номига эмас, самимий, таъсирчан, ота-оналарни ҳам жалб этган ҳолда ташкил этмоқдамиз.

Конференцияда мутолаа маданияти, кутубхоналарга эътиборни янада кучайтириш, контрафакт-матбаа маҳсулотларининг болалар соғлиғига таъсири, бахтли болалик китобдан бошланади каби мавзуларда маърузалар атрофлича муҳокама этилди. Болалар китобхонлигини ривожлантиришда кутубхоналар ролини оширишнинг истиқболлари белгиланди.

**Н.УСМОНОВА**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ал-Хоразмий филиалига қарашли 2-сонли тўлов шохобчаси учун "Учтепа туман газ" идораси томонидан ажратилган жойда алюмин профилдан қўшимча хона ташкил қилиш ҳамда ушбу хонага зарур бўлган пол қисмини сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини амалга ошириш бўйича ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уй.

Телефонлар: 270-02-18, 270-02-31.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун муддат ичида қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 487-а-уй учун "ZOXID" МЧЖ номига 16.02.2016 йилда ер участкасига берилган TS № 0030552 ҳамда 16.02.2016 йилда бино иншоотга берилган TS № 0135089 сонли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй учун "Komfort Ltd" ҚК номига 04.09.2009 йилда берилган нотурар жойнинг №5-236/2009 реестр рақамли, №10:05:01:02:02:0050 кадастр рақамли ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **4 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5207

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 16.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345